

Ўзбекистон — ПИ аъзоси

Душанба куни Швецч похтада Парламентларо Иттифоқ (ПИ)нинг 88-анжумани ўз ишчи бошлади. Ушбу ташкилотга Ўзбекистон янги аъзо сифатида қабул қилинди, деб хабар тарқатди бир қатор агентликлар. Бенин, Мали ва Судан сингари давлатлар ташкилот аъзоллигига қайта тикланди. Чунки бу ўлкаларда демократия талабларини писанд қилмайдиган тузум ўрнатилган, улар аъзолик ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Афғонистон, Экваториал Гвинея ва Гондурас Иттифоқидан чиқарилди. Маълумки, шу йил апрель ойда Афғонистон парламенти тарқатиб юборилган эди. Экваториал Гвинея ва Гондурас эса халқаро ташкилот олдида иқтисодий ва маъмурий мажбуриятларини баънармай қўйгани учун жазоланди. Бугунги кунда Парламентларо Иттифоққа жаҳоннинг 117 давлати аъзодир. Бундан оқибат халқаро ташкилотга аъзо бўлиб кириш мустақил мамлакатимиздаги қонунийлик ривожига ишонч туғдиради. (ЎЗА).

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 7 сентябрь кун оммавий ахборот воситаларининг намояндлари, Тошкентдаги ҳорижий элчихоналарнинг ходимлари билан шойилич учрашув ўтказди. Учрашув Тожикистонда юз берётган воқеаларга бағишланди.

Ислом КАРИМОВ:

ТОЖИКИСТОН ТАҚДИРИ — БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ!

тон мустақил республика ишларига аралашмаслигини қатъий талаб қилади. Лекин Ўзбекистон у ерда юз берётган жараёнларга бефарқ қараб тура олмайди. Тожикистон билан Афғонистон ўртасидаги чегара амалда очик чегарага айланиб қолди. Афғонистонда юз минглаб кишиларнинг қўлида қурол бор, бинобарин бу аҳвол аҳоли зич жойлашган катта минтақада кескинликнинг янги ўчоғини келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон можа-ронини тинч ва маърифий йўл билан тезроқ ҳал этиш та-рафдоридир.

Журналистлар билан учрашувда Ўзбекистон раҳбари қўшни республикадаги воқеаларга айрим гуруҳлар ёки уруғ-аймоқларнинг қандайдир хусусий можароси, деб қарамаслик лозимлигини таъкидлади. У ерда кучли сиёсий кураш кетмоқда, бу курашга қўшни мамлакатлардаги турли сиёсий партияларнинг вакиллари аралашшига уринмоқдалар. Бундай вазиятда уруш оло-ви алаenga олишига, мустақил республиканинг парча-ланиб кетишига мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас. Бундай вазиятда Бирлашган Мил-латлар Ташкилоти, Европа-да Хафрэнсизлик ва ҳамкор-лик кенгаши ҳал қилувчи иш тутиши мумкин. Юз берган воқеаларни ҳал этиш бил-ан шуғулланган вақт ўтди. Энди воқеаларнинг ол-дини олиш керак. Шунинг учун ҳам халқаро ташкилот-ларнинг намояндалари То-жикистонга мумкин қадар тезроқ келишлари лозим. Шу ўринда Қўшма Штат-ларнинг тугган йўли ҳурма-га лойиқдир. Унинг ҳукума-ти тоғли республикада можа-ронинг кучайишидан таш-вишланмоқда.

Чегараларнинг барбод бўлиши, тартибсизлик ва бошбошдоқлик Тожикистон-нинг ўзинига эмас, балки Ўрта Осиёдаги барча рес-публикаларга, Қозғистон ва Россияга салбий таъсир қилиши мумкин. Яқин қўш-ниларимиз ҳудудда тинч ҳаётни барпо этиш, ҳосилни йиғиштириб олиш ўрнига қон тўкилмоқда. Қариялар, аёллар, болалар ҳалок бўл-моқда. Республика очлик жари ёқасида турибди. Бу-ни ҳам ҳисобга олиш зарур. Ҳозирги вақтда энг асосий иш — ҳунрезлиқни тўхта-тиб, Тожикистон чегарала-рининг яхлитлигини сақлаб қолишдир. Ташқи чегаралар деб аталмиш чегаралар пи-роравар натижада Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги барча мамлакатларнинг че-гараларидир.

Қочоқлар тўғрисида га-пирадиган бўлсак, Ўзбеки-стон ўн минглаб одамларни қабул қилиб олишга қодир эмас. Бу ерда қарош халқ-нинг муаммоларига ҳеч қан-ча бефарқ қарай олмайди, ал-батта. Қўшнилар турмушини меъёрий изга солишга Ўз-бекистон баҳолиқудрат ҳар қандай ёрдам кўрсатишга тайёр. Бу мураккаб муам-мо хусусида республика ҳуку-матининг тугган йўли бун-дир: Тожикистонда яшаёт-ган тожиқлар ва ўзбеклар шу мустақил республика-

Ўрта Осиё башарият маъ-рифатининг марказларидан бири бўлиб келган ва шун-дай бўлиб қолаверади. Бу ерда минг йиллик тарихга эга бўлган халқлар яша-моқда. Тожикистондаги ҳо-зирги воқеалар, у ерда юз берётган бошбошдоқлик шойиличини чоралар қўришни талаб қилади. Лекин, муҳим бир шарт бор — ташқари-дан ҳеч қандай кучлар ара-лашмасин! Мустақил давлат, нинг ишларига аралашшига ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Унинг халқи тараққиётнинг қандай йўлидан боришни ўзи белгилаб олиши керак.

Айни пайтда шу минтақа-да яшаётган халқлар бу йў-нини қандай бўлишига бе-фарқ қарай олмайдилар. Шу сабабли Президент И. А. Каримов БМТ Бош қотиби Бурос Галига мактуб йўл-лад, қўшни республикадаги воқеалар хусусида Ўзбеки-стон раҳбарияти фикрини аниқ баён қилиб берди. Халқаро ҳамжамиятнинг ўз вақтида таъсирчан ёрдам беришига беш мустақил давлатларда бошланган де-мократиялаш, сиёсий ва иқ-тисодий ислохотлар жараян-ларини қўллаб-қувватлаш-нинг ҳал қилувчи омилди бўлади, дейилди мактубда.

Ўзбекистон Президент И. А. Каримов журналист-ларнинг бошқа саволларига ҳам батафсил жавоб қай-тарди.

ХАМДУСТИЛИҚДА

Кеча Микс шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташқи ишлар вазирларининг кенгаши очилди. Кенгаш ишти-роқчилари шу йилнинг 25 сентябрда Бишкекда бўладиган мустақил давлатлар раҳбарлари Кенгаши учрашувига тайёр-гарлик масалаларини, шунингдек БМТ Бош Ассамблеясининг сентябрь ойида очилган 47-сессияга ўзaro ҳаракат ва музофаклаштиришга оид муаммоларни муҳокама этишлар.

Украин Олий Кенгаши қабул қилган қарорга кўра бу-дан буён ҳар қандай лавозимдаги шахс республика прези-денти олдидан маърадан кўп иш ҳақи оломайди.

Беларусь Республикаси Россия Федерациясида Черно-быль атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини туга-тиш учун икки миллиард сўм ўлди.

Озарбайжон Президенти Абдуфаз Элчибей Буюк Брита-нианинг Бокуга ташриф билан келган собиқ бош вазири Маргарет Тэтчер билан учрашди.

ХОРИЖДА

Финляндия Президенти Мауно Койвисто расмий таш-риф билан Қозғистон ва Ўзбекистонга келади. Фин да-влати девонининг бошлари шуни маълум қилди. Олий дара-жали меҳмон 28 сентябрь кун Олмаотага ташриф буюргач, икки кундан сўнг Тошкентга келади. Ташриф чоғида меҳмон Нурсултон Назарбаев ва Ислом Каримовлар билан музокара ўтказсади.

Исроил давлатига қилган расмий ташрифи чоғида Қоз-ғистон бош вазири Сергей Терешченко унинг давлати СССР парчаланиб кетгандан сўнг Қозғистонга мерос бўлиб қолган ядровий қурол-яроғларни ҳорижий элларга сотиш ниятида эмаслигини айтди.

Ироқ президенти Саддам Хусейннинг ўғли Удай «Ба-бия» газетасида мақола эълон қилиб ўз мамлакатидея демок-ратик ўзгаришларни ўтказишга даъват этди.

Работда Россия билан Марокаш ҳукуматлари ўртасида денгизда балик овлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро битимга имзо чекилди.

Қўшни мустақил респу-бликадаги хатарли вазият, юз-лаб беғуноҳ одамларнинг ҳалок бўлиши инсон манфи-атининг ўзига зиддиги таъ-кидланди. Эъдик миллиондан ортиқ аҳоли зич яшайдиган Ўрта Осиё минтақасида бундай ёнгин олдидан би-либ бўлмайдиган оқибатлар-ни келтириб чиқариши мум-кин. Ҳеч муболағасиз Тожи-кистонда оғир жанговар тех-ника қўлланиладиган чина-кам уруш бўлмоқда, дейиш мумкин. Одамларни ваҳ-шийларча ўлдиряшляпти. Ах-лоқ шу даражага бориб ет-дики, шаҳар ва қишлоқлар-

Шарқ анғанаси

асосида

ЎЗБЕК мумтоз шон-расми Нодиробегнинг ёр-рини сиёсий полоти-ларда сайқал топиб, жоизабали картинларга си-фатида муҳлисларга тақ-дир этилмоқда. Ўзбеки-стон халқ мусавари Чингиз Аҳмаров мўйқо-ланмига мансуб бўлган янги портрет асаридея ҳам имоддор образи ўз бадний талқинини топ-ди.

Бу асарда Ч. Аҳмаров бадний услубига хос бўлган ноқилик ва на-фосат кирралари яққол кўзга ташланмади. Уни яратмишда Шарқ мусав-ирлик санъатига хос ус-луб жинлолари қўллан-ган.

Мазкур асар мусав-ирнинг шахсий кўргаз-масидан ўрин олди.


Тоҳир БАҚОВ.

Харидорларга

ТАХТ

ШАХРИМИЗДАГИ «Уч-кун» тикувчилик-ат-торлик ишлаб чиқа-риш бирлашмасининг бадний бозар чеки ис-тиқлол байрамнинг ик-та меҳнат ютуқлари бил-ан кутиб олишмоқда. Бу чехда 460 кишидан энде ишчи меҳнат қил-ди, улар тантане олдид-ан 1 миллион сўмлик-дан энде мақсулотини харидорлар учун тахт қил-диб қўйишди. Танёр мақсулотлар орасида онахонларга меҳ келад-иган креплешини румол, мағ-лап матоддан тайёр-ланган жажжиклар рў-моли, духобадан тик-килган жоннамеэ бор. Мақсулотларнинг ҳам-ми 4 миллион дондан ор-тиқдир.

Гули АБДУЛЛАЕВА.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Шароф Рашидов кўчасининг кўриниши. Рустам Шарипов сурати.

* Газетанингу шу сонига

ҚУДДУСГА ОЧИЛГАН ЙЎЛ

БУГУН маҳаллий вақт билан соат 1 да Тошкент аэропортида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиа-компаниясининг 201-рейси муваффақиятли ўтказган ИЛ—62 самолёти қўнди. Ўзбек учувчилари яна битта: Тошкент — Тель-Авив — Тошкент халқаро ҳаво йўлини ўзлаштиридилар. Эндиликда бор-йўғи беш соат ичидея 3980 километр масофани босиб Исроилга учиб бориш имкония-ти туғилди. Бу билан ушбу давлат ҳудудида жойлашган мусулмонлар учун ҳам муқаддас ҳисобланган Қуддус шаҳрига автобусда 1 соат ичидея борса бўлади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси расмий делегацияси таркибидея «Тошкент оқишом»нинг махсус мухбири ҳам бор эди. Унинг ушбу парвоз ҳақидаги репортажи газетамизнинг навбатдаги сонларидан бири-да эълон қилинади.

Нафосатга қаратилган йўриқнома

БУГУНГИ кунда умумий таълим мактабларида ўқув-чи ёшларни гузаллик олами руҳида тарбиялаб, уларда нафосат туйғусини ўстириш ўқиш ва ўқитиш жараёнлари-да асосий ўринни эгалламоқ-да. Шу сабабли ҳам санъат-нинг шахс камолотидаги аҳа-мияти ортиб бормоқда.

Миллий ўзбек мактабини ривожлантириш жараёнида бадний таълим алоҳида ўрин тутди. Миллий ўзбек мак-табларида бадний таълим йўриқномаси лойиҳаси тай-ёрланиб, муҳокама учун матбуотда ёриштирилиши айни муқдос бўлди. Ушбу ҳуж-жатда бадний таълимнинг ҳозирги аҳоли ва унинг му-аммолари, мактабда тасви-рий санъатнинг мақсад ва вазифалари, бадний таъ-лимнинг мазмуни, тасвирий санъати ўқитишни илмий-методик таъминоти ва таш-килий жиҳатлари каби маса-лалар ўз ифодасини топди.

Ушбу йўриқнома Қори-Нисезий номида Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг та-риқли ходими Р. Ҳасанов бошчилигида тайёрланди. У республика ўқув-услубидея маркази илмий-услубидея ке-нгаш томонидан кўриб чи-қилди.

Асад АЪЛАМОВ.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ билям даргоҳларидан бири Тошкент қурилиш техни-куми ўрни асрилик йўлини босиб эди. Шу эъдик йил мобайнида унинг бағрида 35 минг нафардан ортиқ ма-лакали мутахассислар ети-шиб чиқди.

Эндиликда техникум қу-рилиш коллежи деб юри-тилмоқда. Қурилган бу лардан билям даргоҳи учун янги имкониятлари очиб берди. Унда яхши ўқиган талабалар учинчи курсни тугатгач, бевосита олий ўқув юртида ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўладилар. Хусусан, бун-дай ёшлар Тошкент мет-морчилик қурилиш инсти-тути ҳамда Тошкент дав-лат техника университетига йўлланма оладилар.

Коллежда ёшларнинг ижод-корлигини ўстириш йўлида ҳам тadbиркорлик билан иш қўрилмоқда. Бу борада та-лабаларнинг ижодий изла-нишлари яхши самаралар бермоқда. Иқтидорли ёш-лардан бири гуруҳи «Нав-рўз» театри биносини лойи-ҳасини яратишда фоллик кўрсатди. Ўзбекистонда қўп-гина болалар майдончалар-рини бунёд этишда ҳам улар тайёрлаган лойиҳалар қўл келмоқда.

Ваҳоб НУЪМОНОВ.

КЕНГАШ ТАВСИЯСИ

КЕНИНГИ йилларда Ўзбек тили ва эски Ўзбек ёзувини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Уларни пухта ўзлаштиришни ўз ол-диларига мақсад қилиб қўй-ганларга қулайлик туғдириш мақсадида услубий жиҳатдан мукамал ишланган зарур қўлланма ва дарсликлар яра-тишга киришилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги рес-публика ўқув-услубидея мар-кази Ўзбек тили ва эски ўз-бек ёзувини бўйича илмий-методик кенгашнинг яқинда бўлиб ўтган йилгишда қа-дор адабиётлар босиб чиқа-ришга тасвия этилди. Шу ўринда «Ўзбек шевашунос-лиги қўлланмаси», «Қисқача ўзбекча-тожиқча-русча лу-ғати»ни мисол қилиб кўрсат-тиш мумкин.

Бундан ташқари «Баҳо меъёрлари» қўлланмаси, «Ўзбек тили ва адабиёти» дарслиги ҳам китобхонлар қўлига бориб етди.

Саодат ОДИЛОВА.

ИЖОДИЙ АРМУҒОН

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА фаолият кўрсатаётган муста-қил ижодий бирламма «Давр» деб юритилмоқда. Бирламма қисқа вақт ичидея қатор янги экран асарлари-ни суратга олишга киришди. Истеъдодли кинорежиссёр Б. Музаффаров бошчилигида суратга олинётган фильм атоқли давлат арбоби ва

азуви Шароф Рашидовга бағишланди. Икки серияли фильм экран асари Шароф Ра-шидов таваллудининг 75 йиллигига ижодий армуғон бўлади.

Мазкур фильмга «Сангзор» ўзбек-америка корхонаси ҳомийлик қилмоқда.

Дамир ҚОДИРОВ.

«Зураки табиё»

Қоҳирага боради

ЎРТА Осиё ва Қозғистон Республикалари «Наврўз-92» театр фестивалида Тошкентда-ги рус ёш томошабинлар театри ижодий жамоаси ҳам фаолият кўрсатган эди. Бу ифтузули санъат баънаиди мазкур санъат аҳли «Зураки та-биё», «Олдуз тўла осмон» деб номланган томошаларини кўрсатиб, совринли ўринлардан бирынни қўлга киритди.

Эндиликда ана шу қизқарган постановкаларни Қоҳира саҳ-наларидея намойиш этиш тара-дуи қўрилмоқда. Гап шунда-ки, яқин орада Қоҳирада тажриба-синос театрларнинг навбатдаги туртинчи халқаро фестивали бўлиб ўтади.

Катта ижодий синоада Ўзбеки-стон номида мазкур театр катнашди. Шу муносабат бил-ан юқорида тилге олинган спектакллар Қоҳирага олиб бо-рилади.

Воҳид ВАЛИЕВ.

Фойдали молда

«ЎЗБЕКИСТОН пахтаси» илмий ишлаб чиқариш би-рлашмаси олимлари изланиш натижаларини мамнун бўл-моқдалар. Илмий муассаса-да олинб борилган кўп йил-лик тадқиқотлар туйфалий қатор препаратлар юзага келди.

«Менал» деб аталган фой-дали қиммий молда ҳам ўзининг қатор афзалликлари билан ажаблиб туради. Мазкур тадқиқотнинг мукам-мал бўлишига эришниш учун институт мутахассислари Германиядаги «Васф» фир-маси билан битим туздилар.

Илмий ҳамкорлик мобай-нида янги ҳил дефолтант-ларини яратиб устида ҳам жилдий изланишлар олиб борилади.

Севара АЗИЗОВА.

АМЕРИКАЛИК РАҚҚОСА МАҲОРАТИ

ЎЗБЕКИСТОН Республи-касининг Мустақиллик бай-рами кунларида бўлиб ўт-ган шодиваллар санъаткор аҳли учун ижрочилик маҳор-атини синишда ўзига хос на-тижини олишда. Хориждан ўзбек диёрига меҳмон бў-либ келган таниқли артист-ларнинг чиқишлари ҳам то-

мошабинларда яхши таасу-ру қолдириди.

Америкадаги Тошкент билан бирдорлашган Сиятл шаҳрида ном чиқарган рақ-қоса Грейхоним ҳам кон-цертларда катнашиб олди-ларга сазовор бўлди. У ўз-бек раққосалари билан бир-га «Мустақиллик» рақсини зўр маҳорат билан ижро эт-

ди. Кўпчиликка маълумки, америкалик бу санъаткор Сиятл шаҳрида «Тановар» ансамблини тузиб, ўзбек миллий санъатини тарғиб этиб келаётган.

Гап шундаки, таниқли санъаткорлардан Қ. Муми-нов билан Ш. Аҳмедовлар байрам арафасида унга ба-ғишлаб «Мустақиллик» рақс томошасини постановка қил-тишган эди. Узининг жоиз-баси ва маънавий аҳамияти билан бу дастурини томоша-бинда замиш-шавқ уйғотиш-ида америкалик раққоса Грейхонимнинг ҳам мун-сиб улуғли бор.

Анвар ОЛИМОВ.

* Муштарий хабар беради... «Спринт»нинг яна бир тури

ЎЗБЕКИСТОН Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар комитетининг ҳозирги кундаги асосий вазифаси Республика ноғиронлар жамияти билан ҳамкорликда «Спринт-мехрибонлик» хайрия пул лотереясини ўтказишга қаратилган. Бундан мақсад — Ўзбекистон ноғиронлар жамияти низомидаги масалаларни амалга ошириш, ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини қўшимча маблағ билан таъминлашга ёрдам беришдир.

Шайдо ХУДОЕРОВА.

...мақтайдди

ДАФТАРЧАДАГИ ЁЗУВ СИРИ

МИРЗО Улугбек районидagi кўчалар ва Зобитлар уйи атрофида жойлашган салобатли ва ҳушманзара дарахтларга кўзи тушиб қолган одамларнинг кўнгли яираб беихтиёр «рахмат-ей» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолади. Аммо, кимга раҳмат айтганини билмас керак. Ана шу айтилган раҳмат эгаларидан бири билан Сиз азнэ ўқувчиларни таништиришчиман. Ута содда, камсукум бу одамнинг исми Суннат, фамилияси Алиевдир.

Ҳаммадан қизғини шуандаки Суннат аканинг меҳнат дафтарчасига фақат ишга кирган вақти қайд этилган. Уага ҳеч қандай ёзув йўқ. Бинобарин 32 йил бир жойда бир ишни бажариб атрофдагилар эътиборида бўлиб келиш ҳаммага ҳам насиб қилвермайди. Тиришқоқлиги билан ҳамкасбларнинг ҳурмати нозонган Суннат ака учун ҳужуми район кўчаларидаги дарахтлар ривожини, уларнинг пуриқор салобатидир.

Эрталаб ишга бораётганингизда, кечки пайт уйга қайтаётганингизда йўлга ағанган дарахтни олаётган ёки кўчалардаги дарахтларнинг кўрғига доғ бўлиб турган ортиқча шохларни кесаётган кишига кўзингиз тушиб қолади. Билангки бу одам Суннат ака ёки унинг ҳамкасбларидан биридир. Суннат акани ҳаммаша кулиб турган ҳолда учратиш мумкин. Бу ҳурсандчиликнинг яна бир кичкинагина сири ҳам бор. Уз ишининг устаси бўлмиш бу одам ишининг унуми кайфиятга қараб бўлишини ҳам билади.

Игирма метрлар баландликдаги дарахт тепасида кераксиз шохларни бутаятган бу одамга қараб туриб ҳечам 50 ёш бермайсиз (кўз тегмасин). Бу ҳоқисор инсонга узок умр ва сийҳат-саломатлик, хайрли ишда баракка тилаймиз.

Қилич МУСТАФОВ.

...илҳомланади

ТЎРТЛИКЛАР

Ииллар касб этдим-у камол топмадим. Таом кўп, луғмайи ҳалол топмадим. Умр ўтди, беҳабар дилим асордан Мол топдим, қол топдим, лек қол топмадим.

Дардлар, ўйлар ниҳон, гуноҳлар ниҳон. Ўзинг ҳам ниҳонда яшарсан ҳар он. Вақт келиб, пардалар очилган замон Ҳолинг нечук кечар фикр айла, инсон.

Улуглик ичиди ҳоқисор элим, Гўё кўнган ганжин топмай қор элим. Оламга маърифат нури таратган, Хоразмсан, қалби нурга зор элим!

Кўнча Хива сайёҳи, бўл ҳақиқат отоҳи. Покилк, тоғиёқ мақони ўзгаришнинг даргоҳи. Таҳорат-у тавозе ҳам дуони бил вужоҳи. Кўрмасанг ҳам сен руҳин, сенда руҳлар нигоҳи.

Нафасдан чиди кўш, ушалди армон, Осмон кенг, эркин бор учса қай томон. Аммо, аввалгидек тайёр дон қайда Нафасдек иссиқ жой тополмай ҳайрон...

Фозил ЗОХИД.

...таклиф этади

Сабзавот бозорчаси керак

«БЕШҚАЙРАҒОЧ» дехандидаги «Штаб» бекатини кўпчилик ҳамшаҳарларини эҳтиш билан кўрибди. Бу жойда аҳоли зич жойлашган, Абдулхай Тоқиев, Аббор Ҳидоят ва бошқа шу атрофдаги маҳаллаларнинг маркази дейиш мумкин.

Ҳозир аниқ пишиқчилик пайти. Кўпчилик хонадонларнинг ўз томоқларини бор. Уларда помидор, бунингдек, болгар калампир каби сабзавот маҳсулотлари, шунингдек, мевалар пишиб этилган. Афсуски, эҳтиждан ортиқчасини сотиш учун яқин ўртада бозорча йўқ.

Шу ўринда мен бир таклифини айтишчиман. «Штаб» бекати доми одамлар билан гавжум бўлади. Бу ерда озик-овқат, ҳўжалик моллари дўконлари, шунингдек бошқа маданий-مائий хизмат шохобчалари мавжуд. Агар мўжазгина майдонда кичик бир сабзавот бозори ҳам очилса, аяни мўдаво бўларди. Бу билан биринчидан одамлар ўз хонадонларида етиштирилган маҳсулотларни шу жойга олиб чиқиб сотишса, бошқа томондан керакли нарсаларни узокқа бориб харид қилишдан қутулишарди. Уялайманки, мутасадди ўртоқлар меннинг бу таклифимни албатта инобатга оладилар.

Эркин ЕҚУБОВ, Акмаи Икромов районидagi Дадил кўчасида яшовчи фуқаро.

...ёрдам сурайди.

Қизилдеҳқонликлар илтимоси

БУГУНГИ кунда ҳатто Туркия, Арабистон, Ҳиндистон каби мамлакатларга бир неча соатда етиб олиш иш бўлмай қолди. Аммо, биз қизилдеҳқонликлар пойтахт тасарруфида бўла туриб шаҳар марказига ёки бошқа жойга бориш учун 2-3 соатлаб вақт кетамиз. Қизилдеҳқон маҳалласи шаҳар Ҳалқа йўлининг ёнида, Юнусобод даҳасининг 19-мавзеси яқинида жойлашган. Шу мавзегга Горький метро бекатидан қатнайдиغان 83-, 96-автобуслар Ҳалқа йўлдан юриб келиб, бизнинг маҳаллага икки бекатли масофа қолганда қайрилиб кетади. Қарам-қарши йўналишда қатнайдиغان 72 ва 82-автобуслар ҳам илво сотадиغان кафегача (пиноҳурлар иззатда-де) келиб учур ҳам ортага қайтиб кетади. Ҳалқа йўлининг Қизилдеҳқонга қарам-қарши томонида сабзавот деҳқон хўжалиги жойлашган. У ерда мена-чева етиштирилганлар, маҳалламиз аҳли яёв юриб кўп қийналмоқда. Ахир бу ерда 2 мингга яқин хўжалик ҳаёт кечирилади. Бу ерлик талабаларга, аяниқса педиатрия институти талабаларига кўп қийин бўлмоқда. Чунки бу талабалар педиатрия институтидан Тошкент давлат тиббиёт институтига амалий машғулолларга қатнайдилар. Бу масофани боғлайдиган рейс йўли, Ҳалқа йўлдан қатнайдиغان такси ва шахсий енгил машиналар бу масофага элтиш учун камдада 40 сўм пул сурайди. Педиатрия институтини билан таёбот институтини боғлайдиган маршрут такси қўйилса бу йўл билан Ҳасанов, Ғвардебей, Қизилдеҳқон ва Юнусободда яшайдиган ва юқорида номи зикр этилган институтларда ўқийдиган ҳамда ишлайдиганларнинг йўли қисқартириш ва ўқини қулайлиги учун мўлим бўлади.

Абдумулла ҚОДИРОВ, Абдурахмон ҚАҲҲОРОВ, қизилдеҳқонликлар.

ГАЗЕТА — МУШТАРИЙ — ГАЗЕТА



Ҳамма ерда бўлгани каби йўлдош Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасида ҳам кўйлаб меҳнат илгорларни ишлашди. Корхонанинг 2-деҳиди қарийб 18 йилдан бери самарали меҳнат қилиб келаятган Мамлакат Рафиқова ҳам шулар жумласига кирадди. Чунки у ишлаб чиқаришда аяниқса маҳсулот сифатида алоҳида эътибор беради. Шунинг билан бир қаторда шу йиллар мобайнида у ўзига муносиб бир қанча шоғирларни ҳам тарбиялаб етиштирди.

БОЛАЛАРИНИНГ хатти — ҳаракатлари. Уйилларини томоша қилиш кишига ўзгача завқ бағишлайди. Улар шеър айтишадими, раңс тушишадими — нима қилишмасин, сирди бир жозибаси билан катталарни ром қилишадими. Бу жозибанинг сири самимийликдир. Зеро болалар астойдил тиришиб, юракдан чиқариб бирон ишни бажаришар экан, адашиб кетишганда ҳам самимий бўлишларини кўрамиз. Аяни пайтда биз учун улар иброт кўрсатаётгандек туюлади...

Самимият инсонга хос бир қанча хусусиятларни ўзида мужассам этган катта фазилат. Табиийлик, ҳоқислик, бегаразлик, маъсумлик... Бу хислатларнинг ҳар бири самимийликни ўзига хос тарзда намоён қилади. Донини-мандаларининг айтишларича, одамларнинг самимият борасида уч тоифага ажратиш мумкин экан. Биринчиси — болалигиди ҳам, катталигиди ҳам самимийлик билан йлайдиган инсонлар. Улар ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам сира алдашмайди. Бундай тоифадagилар олижаноб инсонлар бўлишар экан. Иккинчиси — болалигиди самимийликни катталигиди турли сабаблар билан йўқотган инсонлар. Улар ўзгаларни алдаб юришадди, лекин ўзларини алдашмайди. Бундай тоифадagилар худбин кишилардир. Ниҳоят, учинчи тоифа болалигиди ҳам, катталигиди ҳам самимийликдан хо-

ли ҳаёт кечирувчи, умуман самимият нимадигини билмаган кимсалардирки, уларни «тубан шахслар» дейиш мумкин. Биринчи ва учинчи тоифа вақиллари нисбатан кам «сонли» бўлишар экан. Аксар одамлар иккинчи тоифага мансублиги ҳолда қайси

ётган балою ташвишлар худди шундай иккинчи тоифачилар туйғайли икки баъра-вар зўрайилгани ҳеч кимга сир эмас. Нафис ҳаққалак отган сотуви у ёки бу нарса келтиришмаганидан шикоят қилиб, шу нарсага муҳтож кишига ўзича ҳамдард-миқсопларни қўлаб келтириш мумкин, албатта. Самимийликка путур етган жойда иллатлар авж олаверди. Ҳолбуки, самимият иқбасан жуда катта, гоят теран аҳамиятга моликдир. Икки давлат бошлиқларининг расмий-норасмий учрашувлари ҳақидаги аянавий ахборотларнинг кўпинча «Сухбат самимий тусда ўтди» тарзида аяқулашсини бежиз эмас. Самимийлик халқро алоқалар раваначига, итисод ривожига таъсир кўрсата оладиган фазилатдир. Ўзбекистон Мустақиллик эълон қилганидан бери жаҳоннинг турли давлатларидан ҳар хил кишилар қўлаб ташириб буюринмоқда. Уларнинг ҳар бири маълум манфаатларини қўзғатган ҳолда келишадди, албатта. Биз учун хориндан келганларнинг самимий ёки самимий эмаслигини билиб олиш, илғаш жуда муҳим. Бир томондан қийинчилик, ҳаққатчилик кучайиб, иккинчи томондан турли тоифадagи олтуру учурлар уруғи кўпайиб қолган ҳозирги даврда ҳар бир одамнинг ҳоқисона, бегараз хатти-ҳаракатлари, сўзи, муомаласи туйғайлигина өзгучили, адолат қарор топиши мумкин. Зеро катталар болаларнинг самимийлигини ҳавас қилгани синари болалар ҳам катталардан самимийликни ўрганишлари зарур.

Тўлқинжон РАҲИМОВ.

ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН

— Жўжабирдек жомиз. Лекин ойнага қўлимизга 1,5—2 мингга яқин пул тегади. Ахир ҳозирги кунда шундай оз миқдордаги маош билан бола-чақани боқиб бўлармиди? Кўпроқ пул топиш учун эса имкон йўқ. Аяниқса объектда бунёдкорлар учун зарур шарт-шаройтлар яратилмаганлиги бизни ташвишлантирди. Булар ярми ишдан чиққан вагончадан бошпана сифатида фойдаланишмоқда. Ҳеч қандай мийиш шарт йратилмаган. Ҳатто ювиниш ҳоқисан ҳам йўқ. Вагончада сояитчи қўйилмаган.

Хуллас гапирaversак гап кўп. Энди ҳамма гап бош пудратчида қолган. Иккилик у ташкилотчи бўлсини, елиб-югуриб қурилишда ишларни жонлантйриб юборсин. Чунки мана шу тую гўшти еган бинони деб ишга тахт қилиб қўйилган богча ҳам фойдаланишга топширилмай ётибди. Бунинг боиси унинг ер ости коммуникация ишлари мана шу бинонинг билан бирлашган экан.

Маҳмуд ОРИПОВ, СУРАТЛАРДА: бина кўрилишидаги ноҳуш аҳвол. Андрей Пилипенко суратлари.



Ушбу нуқтада бўлган кўниш бу ерда 50—80 киши меҳнат қиладиган экан. Аммо бажариладиган ишнинг ҳажми эса буидан ортиқроқ кишини талаб этади. Қурувчилар билан суҳбатлашдик. Улар ойлик маошларининг камлигини нолишди.

* Луқма КЎРГАННИНГ КАЙФИЯТИ БУЗИЛАДИ

МАБОДО кўнглингиз халқ ижодиёти намуналаридан баҳра олиш ёки уларни коллекция учун харид қилишни тўсаб қолса Ўзбекистон Давлат санъат музейига бориңг. Аммо шахримизнинг Преват Востока ҳамда Камол Ота Турк кўчалари кесишган жойда, тўғрироғи, «Билимлар уйи» биноси яқинидаги «Халқ ижодиёти» деган сузалар битилган кўча дўкончага ҳаргиз яқинлаша кўрмаңг. Барбир маъсумингизга эриш олмайсиз. Чунки бу ерда эндиликда жинотчилик, эўрасонлик ҳамда фахшин тарғиб қилиш «Халқ ижодиёти» намуналаридан тўзилган видеокас сетапалар сотувин йўлга қўйилган. Аввалгига ҳақиқатдан ҳам

ана шу жойда халқ ижодиёти намуналари сотиларди. Нима бўлдию, маҳсулот тури кескин ўзгарди. Бунга мазкур дўконча эгасининг ўзгаргани сабаб бўлса керак. Нима бўлганда ҳам янги хўжайин ўз маҳсулотини реклама қилишда ҳеч нимадан қайтмайдиганлар хилдан экан. Эндиликда дўкон ойналарига ёпиштирилган фильм мазмунига мос суратларни кўрган кишининг кайфияти бузилади. Пулдан бошқа нарсени кўрмайдиган кишиларга «Халқ ижодиёти» дўконча тепасидagi «Халқ ижодиёти» деб ёзилган лавҳам олиб қўйишса бўларди. Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

* Хат босилмаса ҳам...

МАНФААТДОРЛИК ИШГА ҚАРАБ

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА Тошкент тажриба-механика экскаватор ремоти заводи ичиси Ш. Ҳасанов шикоят хати йўллаган эди. Унда корхона касабат ишчилик комитетини томонидан Ёрдамчи хўжаликда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишчиларга иттиёзли сотишда бир қатор камчиликлар борлиги ва бошқалар ҳақида баёи этилган эди. Таҳририят мактубда келтирилган далилларни текшириб жаовб йўллаш учун шаҳар агросаноат маъмура ходимлари касабат уюшма комитетига жўнатган эди. Комитет раиси Н. Умарова итисоз билан жаовб хати олиди. Унда жўмладан шундай дейилди:

«Ишчи хати корхонага бориб ўрганилди. Раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларини соҳалари бўйича нарда ва қандай мақсадда ишлашларини шу корхонанинг юқори ташкилоти ҳал қилади.

Қисқартириб тўғрисида шуни айтишим мумкинки, ҳозирги вақтда кўпчилик корхоналарда шатлар жаъвали қайтадан кўриб чиқилапти. Сизнинг корхонангизда 23 киши қисқартрилган бўлиб, шулардан 15 киши пенсия ёшига етган ишчилардир. Ҳар бир ишчининг қисқартрилиши корхона касабат уюшмаси кўмитасининг кенгашида кўриб чиқилган.

В. Курамшин 0,5 фоииз ойлик маошини корхона касабат уюшма кўмитасидан олади ва ишчи-хизматчилар орасида спорт ва маданият ишларини олиб боради. Касабат уюшма кўмита аъзолари билан бўлган суҳбатдан маълум бўлдики, улар В. Курамшин ишдан мамнулар.

Касабат уюшма кўмита аъзолари корхонанинг 1989 йил 22 августда ўтказилган ҳисобот-саялов йиғилишида сайланганлар. Корхонанинг ҳисобот-саялов йиғилиши Ўзбекистон агросаноат маъмура ходимлари касабат уюшмаси қарорига асосан қўйилган қишлоқча ҳар беш йилда бир марта ўтказилади.

Корхона ёрдамчи хўжалигида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб келиб ишчиларга бозор нархидан арзонга сотилган. Жаъвал бўйича ишловчи сиз ва баъзи бир ишчилар шу кун ишда бўлма қолганлигингиз сабабли шу маҳсулотлардан харид қилмаган бўлсангиз керак. Ёрдамчи хўжалик олиндиги йиллари корхонага анча зарар келтирган. Шунинг учун 1989 йилдан бошлаб ёрдамчи хўжаликда етиштирилган маҳсулотларнинг ярми икки ёқлама шартномага асосан улар ихтиёрида қолдирилди, қолган қисми корхона ишчиларига бозор нархидан арзонга сотилади.

Санаторий йўлланмалари корхона касабат уюшма кўмитаси томонидан ишчининг арзасига биноан берилди. 1991 йили йўлланмалар ишчиларга шу корхонада неча йил ишлаганига қараб, 30 ёки 10 фоиизлик қилиб белгиланган. Ҳақиқатан ҳам 1991 йил корхонада 25 йил хизмат қилган ишчига 10 фоиизлик йўлланма берилган, сизга эса 30 фоиизлик, чунки корхонада 5 йилдан бери ишлар экансиз. Собйқ Бутуниттifoқ касабат уюшмалари конфедерациясининг 1991 йил 24 майдаги қарорига асосан, санаторий йўлланмалари ва йўл ҳақларининг ошини муносабати билан уни ишчиларга 15 фоиизлик қилиб берилиши белгиланган. Бу қарор 1991 йил 1 ноябрдан кучга кирган».

Тўлқинжон РАҲИМОВ.

«Ўзбек халқ аллалари»

ЎЗБЕК маданияти тарихини ўрганиш мактаб таълимда ҳам муҳим ўрни тутаяди. Аяниқса, ўзбек мумото адабёти билан ўқувчиларни яқиндан ошно қилишга алоҳида аҳамият бериб келинаётганини қувонардир.

Шу мақсадда қатор зарур адабётларни чоп эттириш режалаштириб қўйилди. Ўзбек мумото адабётидан мақсус лугат тузишга киришилгани аяни мўдаво бўлди. Мазкур қисқача лугат ўзбек мумото адабёти тарихини ўрганишда ўқувчиларга яқиндан ёрдам беради.


«Ўзбек халқ аллаларини чоп этиш тарафда кўрилмоқда. «Туркий алоқ» (араб ва кирил ёзувида) китоби ҳам ёш китобхоналарга тақдим этилади. Маҳмур ўзбек олим ва биринчи профессори Абдулла Авлоний қаламига мансуб бу китоб одоб дарсларини чоп этишда муҳим адабётлардан бири бўлади. Бу ва шунга ўхшаш китобларни «Ўқитувчи» нашриёти чоп этамоқда. Анбар АЛИЕВ.

АЙТИШЛАРИЧА, қўшиқда ўлган кишини қайта тириштиришга қодир қудратли сеҳр бор...

устози Ботир Зокировнинг «Газли оқшоми», «Раъно», «Хабоба» каби қўшиқларини тилидан қўймай айтиб юрди.

* Қўшиқ сеҳри

ОҲАНГЛАР УНГА ЙЎЛДОШ



ма актёрлиги факультетига ҳужжат топширди. Бу гал омади юришиб, улкан санъат мактабининг талабаси бўлди.

ти сари ўзининг дастлабки қадамларини қўйди. 1974 йили Ўзбекистон телевиденеси жумҳурият хонандалари ижросида шариқ халқларининг қўшиқларидан тузилган концерт дастурини намойиш этди.

Таниқли бастакор Надим Норқўзаев билан танишуви хонанда ижодида муҳим воқеа бўлди. У бу бастакорнинг «Баҳор мадҳи» (Рафъ Толиб шери) ва «Вир пари пайкар» (Абдулла Шер сузи) каби қўшиқларини зўр маҳорат билан ижро этди.

Ўзбекистон радиосининг хориздаги ҳамюртларимизга аталган «Вағандош» радиостанцияси Абдулла Туропов ҳақида махсус эшиттиришни тайёрлади. Бу эшиттиришда хонанда Хиндистондаги муҳлисига атаб «Инки дуст» ва «Артист» каби ҳинд кинофильмларидан қўшиқлар ижро этди.

Шаҳзода ШОНСЛОМОВА. СУРАТДА: хонанда Абдулла Туропов.

ТИЖОРAT ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОМАРА

КАТТА КОНЦЕРТ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

12—13 сентябрь кеч соат 17.00 да Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада оркестрининг бадий раҳбари, таниқли бастакор АНОР НАЗАРОВНИНГ

ИЖОДИЯ КЕЧАСИ УТҚАЗИЛАДИ

КЕЧАДА: Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин ХАМРОҚУЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин ХАЙДАРОВ, хонандалар Юлдуз АБДУЛЛАЕВА, Қозим ҚАЮМОВ, Гулбаҳор СУЛТАМОНОВА, Муҳаббат ГОҒУРОВАЛАР, шуниингдек «Қамолот—91» кўрик-танловининг ғолиби Ойбек СУЛТОНОВ, «Қизилчи—91» кўрик-танловининг совриндори Болтабой ТОШМАТОВ ва жажжи хонанда Достон УБАЙДУЛЛАЕВЛАР иштирок этадилар.

Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида соат 10.00 дан 18.00 гача сотилмоқда. Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

КОРХОНА, ФИРМА ВА ЯККА ТАРТИВДА УН-ЖОН ҚУРУВЧИЛАР

ДИҚҚАТИГА!

«СТРЕЛА» ФИРМАСИ

Сизнинг уй-жой қуришигизда, давлат идора ва ишлаб чиқариш ишларининг таъмирлаш ва қурилиш ишларини олиб боришда мушкулликни осон қилади.

«СТРЕЛА» фирмаси буюртмангизни тез ва аъло даражада бажаришга кафолат беради.

Қурилиш, пайвандлаш ва таъмирлаш бўйича юқори малакали усталар, махсус қурилиш ишлари ва соғлаб ишга тушириш бўйича мутахассислар сизнинг хизматингизда.

«СТРЕЛА» фирмаси кичик корхона, цех ишлаб чиқариш тармоқлари қурилиши учун ўзининг майдонларига, шу мақсад учун мўлжалланган тайёр корпус ва боксларга эга.

«СТРЕЛА» фирмаси қурилиш ва пайвандлаш ишлари бўйича юқори малакали мутахассисларни танлов йўли билан ишга таклиф этади.

Визининг манзилгоҳиниз: Тошкент шаҳри, Ҳамза району, М. Ашрафий кўчаси, 70-а уй. Телефонлар: 91-69-17, 93-03-72.

«Маншій жихоз» ижара корхонаси ЭЪЛОН

20 ёшдан ва ундан катта ёшдаги йигитларни 2 ойлик ўқув-тайёрлов курсига қўйидаги соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

- мебелларни ишлаб чиқариш дуралгорлари — 25 киши
токарлар — 5 киши
газ электр пайвандловчилари — 5 киши
чилангарлар — 10 киши

Ўқуш даврида 2-ойдан 1000 сўм стипендия тўланади ва сотилган моллар нархиغا 50% қўшимча ҳақ тўланади.

Ўқув дарслари гуруҳлар сафи тўлгандан сўнг бошланади.

Аризалар 1 октябрь 1992 йилгача қабул қилинади.

Мурожаат этиш учун манзилгоҳиниз: Тошкент, С. Раҳимов ноҳияси, Қорасарой кўчаси, 282-а уй. Автобуслар: 42, 43, 93, 85, 10, «Райсполком бекети».

Маълумотлар учун телефонлар: 48-79-31, 48-64-35

МУХТАРАМ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ВА РАДИОТИНГЛОВЧИЛАР!

Ўзбекистон ҳудудида намойиш этиладиган барча телекўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришлар ҳақида олдиндан батафсил маълумот бериб боровчи республикадаги ялқаю-ягона нашр — «ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ»ГА

1993 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА ОБУНА БАҲОСИ: бир ойга — 8 сўм 75 тенг.

Нашр кўрсаткичи — 75490. Обуна «Союзпечать» ташкилотлари ҳамда алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Мабодо, жойларда обунани расмийлаштириш билан боғлиқ саволлар туғилса, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Матбуот тарқатиш агентлиги (телефони: 33-58-72) ҳамда Ўзбекистон Алоқа вазирлиги Республика Матбуот тарқатиш марказига (телефони: 33-60-78) ёки ҳафтанома таҳририятига (телефони: 33-32-93) мурожаат қилишингиз мумкин.

ДИҚҚАТ!

Сув йўллари ва сув қувири тармоқларида эҳтиёт-таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек 1992 йилги куз-қиш мавсумида ишлашга тайёргарлик кўрилиши муносабати билан

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

шаҳар сув қувири абонентларига қуйида кўрсатилган муддат ва манзилларда шаҳар сув қувири тармоқларида соғлаб иш бўлмагачи ва сув босимининг пасайиши билан

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ: 15 сентябрь соат 9.00 дан 15 сентябрь соат 24.00 гача

Чилонзор районида: 9, Г—8а, 16, 10-мавзелада; Акмал Икромов районида: С. Юсупов, Халқлар дўстлиги, Иван Франко, Сегизбоев, Подмосковная, Х. Турсунқулов кўчалари атрофида — СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ

Чилонзор районида: Гессовская кўчаси ва унга туташ кўчаларда — СУВ БЎЛМАЙДИ.

15 сентябрь соат 9.00 дан 17 сентябрь соат 9.00 гача

Улугбек, Миробод районларида — СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ.

Улугбек районида: М. Горький кўчасининг Морозов кўчасидан С. Машҳадий кўчасигача ва унга туташ турар жойда кўчалари ва кўчалари, Чердакчи даҳасида — ҚИСМАН СУВ БЎЛМАЙДИ.

18 сентябрь соат 9.00 дан 17 сентябрь соат 21.00 гача

Чилонзор районида 1, 2, 3, 4, 5, 6-мавзелада — СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ.

18 сентябрь соат 22.00 дан 19 сентябрь соат 22.00 гача

Ҳамза, Миробод, Ялқасарой районларида — СУВ БОСИМИ ПАСАЯДИ.

Сирғали районида — СУВ БОСИМИ ҚИСМАН ПАСАЯДИ.

Ҳамза районида: Генерал Петров, Речная кўчалари, «Свободний» посёлкиси, «Ғалабининг 40 йиллиги» даҳасида — ҚИСМАН СУВ БЎЛМАЙДИ.

Сув бўлмаган жойларга махсус сув ташитиладиган машиналарда СУВ ЮБОРИЛАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-15-95, 33-75-95, 56-60-06.

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1. Бўлим бошлиқлари;
2. Шўъба мудир;
3. Бош мутахассис;

Меҳнат бўйича иқтисодчи иқтисодлиги камиди 5 йил иш таърибига эга бўлган олий маълумотли мутахассислар қабул қилинади.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилиши керак: Тошкент — 700011, Абай кўчаси, 4-уй, 408 хона. Телефонлар: 41-76-28, 41-78-22, 41-77-24.

ШВЕЦИЯНИНГ Мальме шаҳрида бундан 25 йил муқаддам истиқомат қилган Олаф Эриксон номли 77 яшар мўйсифиди 47 йилдан буён ухламагани қайда этилган эди.

Бу «уйқусиз кишини тиббиёт атли мўжиза, деб ҳисоблаган. Маълум бўлишча, ухлатиш мақсадида қўлланилган дори-дармонлардан биронтаси ҳам унга кор қилмаган. Олаф Эриксонни Швециянинг манаман деган зўр олимлари — психолог,

* Ҳар тўғрида УЙҚУСИЗ ЮРГАН КИШИЛАР

невропатологлар роса текшириб кўришди, лекин ҳаётда онда-сонда учрайдиган бундай мўжизани изохлаб беришга ожизлик қилишди.

Эриксон 1919 йили грипп билан қаттиқ орғиганди. Балки шу касаллик оқибатида уйқусизлик касалига дучор бўлгандир-да, деб гумон қилишган табиблар.

Қизғин шундаки, Эриксон 77 ёшга кириб, бундан 46 йилни бедор ўтказган бўлса-да, ўзини бердам ҳис этган.

Кунлардан бирида Эриксонни операция қилишга тўғри келди. Операция қилиш учун эсе (I) уни ухлатиш керак эди. Аммо кучли наркотик воситалар унга зигирча бўлса ҳам таъсир кўрсатолмади. Начора, тананинг фақат операция қилинадиган жойининг атрофинингиза жонсизлантириш, яъни этини ўлдирибдан бошқа илож қолмади.

УЙҚУСИЗЛИҚДА лондонлик Сидней Эдвард деган 50 яшар киши Эриксондан кейинги ўринда туради. У «атиги» 26 йил

ФУТБОЛ

ТОШКЕНТ кубоги учун ўтказилган қизгин беллашулар кунин кеча ниҳоятга етди. Пойтахт билдур соврини мусобақалари бешта ёш гуруҳларда ўтказилди. 1975 йилда туринган ўсмирлар ўртасида «Пахтакор» олимия ўринбосарларини тайёрлаш мактабининг ёш футболчилари ғалаба қозонди.

* Спорт янгиликлари

матчилар ўртасида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ПОИТАХТДА 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг ярим финал беллашуварига яқун ясади. Унда Тошкент шаҳри, Ўзбекистоннинг барча вилоятларини ҳамда Қорақалпоғистонда ўтказилган саралаш мусобақаларининг ғолиблари бўлган 50 шахматчи куч синашди. Қизилқарли беллашувардан сўнг тошкентлик Мақсуд Абдураҳмонов 9 имкониятдан 8

ШАХМАТ

ТОШКЕНТДА 12 ёшгача бўлган болалар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг ярим финал мусобақалари бўлиб ўтди. Жами 30 шах-

ухламаган. Лекин унинг ухламаслик ваки аниқланган. 1941 йил. Иккинчи жаҳон уруши кезида пайт. Немис фашистлари Англининг кўп районларини бомбардировка қилдилар. Эдварднинг суяқли фарзанди отаси кўзи олдада немислар бомбасидан ҳалок бўлди. Бу кулфат Эдвардга кучли рухий таъсир кўрсатганлигидан бўлса керак, шу-шу ухламаган. У барвақт қариди, 50 ёшдалигига қарамай, 80 га кирган мўйсифиддай мункиллаб қолди. «Менга кундузним, кечаним фарқи йўқ. Аммо вақт жуда секин ўтапти...» дейди нолиган Эдвард.

Дарҳақиқат, бедор кишига вақт секин ўтаётгандек туюлади. Шунинг учун эрмак бўлсин деб, Эдвард кичик тунги магазин очган эди. Бироқ полиция тунги савдонини текшираш ҳақида бундан 300 йил муқаддам чиқарилган қонунини дастаб қилди, савдога рухсат бермади. Эдвард полициядан норози бўлиб, юқори ташкилотларга арз қилди. Бироқ барча уринишлари фойдасиз бўлди.


ИСПАНИЯНИНГ Альбасете шаҳридаги 60 яшар ишчи Валентин Медина Повер ҳам ана шундай бедорлардан биридир. 48 ёшда ўзи ишлаётган заводда юз берган фалокат уни уйқусизлик балосига йўлқиттирди. Повер бирор дақиқа мизгимаса-да, меҳнат қобилияти яхши, заводда бир варақай икки смена — кундузи ва кечаси ишлайди. Чарчаган кезларида ёнбошлаб, бошқаларининг ишига қараб ётади, озгина дам олиб, ана ишга тушади.

Повер айланди одам. Шунинг учун ҳам табиблар авваллари унда турли дори-ларни синаб, таъриба ўтказишни таклиф этганлариди, у жон-жон деб рози бўлганди. Ахир, бунинг эвазига оз-моқ пул беришарди-да. Унга ҳеч қандай дори кор қилмаганидан кейин, бу даромаддан ҳам маҳрум бўлди.

Эриксон, Эдвард ва Повер — уйқусизликшиларнинг энг машҳурлари. Уйқусизликка мубтало бўлган бунақа кишилар ҳозир дунё бўйича 100 дан ортки.

Аммо, қизғин шундаки, ҳукумат халғача булардан самаралироққ фойдаланиш устида бош қотирмапти.

Шаҳзода ФАЙЗИВА тайёрлади.



«Ойгоним оҳ олиб келармиканлар...» Содиқжон Маҳмамов сурат-лаҳзаси.

* Ҳукм ўқилди Қўли эгри ногирон

АВВАЛО ҳар бир инсоннинг дили пок бўлсин экан. Дили пок бўлмагач, у хоҳ соғлом бўлсин, хоҳ ногирон бўлсин барибир эгри йўлга интилавлар экан.

Жаббор Қоюмов иккинчи гуруҳ ногирони. У Собир Раҳимов район Қорақамаш 2/1 даҳасида жойлашган 23-уйнинг 10-хонадонида истиқомат қилади. Оилали, икки нефар фарзанди бор. Қинғир ишлари туғайди, олдин ҳам икки марта судланган. У шунга қарамай қўлидан ўзинга тегушли ҳулоса чиқариб олмади. «Ўзганган кўнгли, ўртанса қўйма» деганларидек у яна жиноятга қўл урди. Эски Жува Бозори ҳудудида жойлашган 17-озик-овқат дўконини қаршидада ҳарид қилиш учун навбатда турган шахримиз меҳмонларидан бири унинг эътиборини тортиди. Меҳмон ҳарид қилган нарсаси учун пул тўлайдида ҳамининг ён чўнтагига солиб қўяди. Бунни кузатиб турган Қоюмов вақтин қўлидан бермай ҳамининг қўлга киритишга мувофиқ бўлади. Ахир ногирон қимсининг бўлган қабҳи иш билан шуғулланиши кимнинг ҳам завлига келарди! Аммо «одамнинг оласи ичиди» деганларидек худди шу ногирон ноқонуний ишга қўл урди. Яхшиям ҳаминда бор-йўғи 13 сўм пул бор экан, ахир 13 минг бўлганда нима бўларди. Лекин ана шу арзimas пул ҳам қўли эгри ногиронга ҳисоб қилинмади. Хушёр юрган тартиб посбонлари ўша дақиқадаёқ уни қўлга олишди. Натияжада Қоюмов яна суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди.

Иш бўйича аниқланган ҳолатларга кўра Қоюмовнинг айбодорлиги гувоҳларнинг ва жабранувачининг иш кўрсатмалари каби далилий ашёлар билан ўз тасдиғини топди.

Суд Қоюмов томонидан содир этилган жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Жиноят кодексининг 125-модда 2-қисминини шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозима топди. Чунки жабранувачи узок масофада яшаб судга келолмаслигини, ёзма арiza йўллаб 13 сўм пулинг учун учун жиддий зарар эмаслигини, болаларининг ҳаммаси уйли-жойли бўлиб, уллар унинг қарамоғида эмаслигини билдирган ва судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини маълум қилган. Шунга асосан суд Қоюмов фуқароларининг шахсий мулкини яширин тарзда ўғирлаган деган ҳулосага келди.

Суд судланувчига нисбатан жазо тайинлашда ушбу жиноятнинг қасддан содир этилганлигини, шу билан бир қаторда Қоюмовнинг ҳозирда судланганлиги вақти ўтганини, 2-гуруҳ ногирони эканлигини, қарамоғида кечса онаси ва икки нефар ёш боласи борлигини, қилмишидан пушаймон эканлигини ҳисобга олган ҳолда унга нисбатан янмароқ жазо муддати тайинлашни мақсадага мувофиқ деб ҳисоблади. У бир йилга озодликдан маҳрум этилди.

Маҳкам ҲАЙМОВ. Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Тошкент оқшоми ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67. Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўририлиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаатчилик концернининг босмаҳонаси.